

Олимларнинг илм йўлидаги сабр-матонатларидан ҳаётий лавҳалар

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда

Таржимон: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2014 - 1436

IslamHouse.com

صفحات من صبر العلماء على شدائد

العلم والتحصيل

« باللغة الأوزبكية »

عبد الفتاح أبو غدة

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

2014 - 1436

IslamHouse.com

Биринчи бўлим. Олимларнинг илм олиш йўлида қилган сафарларида бошларидан кечирган чарчоқ ва қийинчиликлари ҳақидаги хабарлари

21. Ҳофиз Ибн Ҳажарнинг “*Таҳзиб ат-таҳзиб*”¹ ида имом Аҳмад ибн Ханбалнинг таржимаи ҳолида шундай келган: “Аҳмад деди: Беш марта ҳаж қилдим, шулардан учтасида ҳажга яёв бордим. (У кишининг юрти Боғдод бўлганини эсдан чиқарманг!) Шу ҳажларимдан бирида ўттиз дирҳам сарфладим”.

Ибн Жавзий “*Сойдул хотир*”² да шундай дейди: “Имом Аҳмад ибн Ханбал дунёни икки марта айланиб чиқиб, “*Муснад*” китобини ёзди”.

22. Имом Аҳмаднинг талабаси, ундан фикҳий масалаларда “*ал-Масоил*”ни ривоят қилган ҳофиз, имом, фақиҳ, муҳаддис Абу Ёқуб Исҳоқ ибн Мансур ал-Кавсах ал-Марвазий³ Марвдан Боғдодга келиб, имом Аҳмаддан фикҳ ва ҳадис ўрганади ва Хуросонга қайтиб, Нишопурга жойлашади. Орадан маълум вақт

¹ 1/73.

² 175-фасл, 246-бет.

³ 251 ҳижрийда вафот этган. Оллоҳ уни раҳмат қилсин.

ўтгандан кейин, имом Аҳмаднинг ҳалиги фикҳий масалаларда фикри ўзгарганини эшитади ва имом Аҳмаддан ёзиб олган ўша масалаларни унга тасдиқлатиб олиш учун Нишопурдан Боғдодга яёв боради.

Ибн Абу Яъло “*Табоқотул ҳанобила*”сида¹, Заҳабий “*Тазкиратул ҳуффо*”да², Улаймий “*ал-Манҳажул Аҳмад*”да³ шуни келтирадилар: “Исҳоқ ибн Мансур ал-Кавсах фақиҳ, олим бўлиб, фикҳда имом Аҳмаддан “*ал-Масоил*” (фикҳий масалалар)ни китоб қилиб ёзган кишидир.

Ҳассон ибн Муҳаммад айтади: Устозларимиздан Исҳоқ ибн Мансурнинг қиссасини эшитганман. У Аҳмад ибн Ханбалнинг ўша (*ал-Масоил*) фикҳий масалаларда фикри ўзгарганини эшитади ва у(*ал-Масоил ёзилган қоғозлари*)ни бир халтага солиб, орқасига орқалаганича яёв ҳолида Боғдодга йўл олади. Бориб, Аҳмадга ундан ёзиб олган ҳар бир масаладаги фатвосини кўрсатиб, иккинчи бор

¹ 1/114.

² 2/524.

³ 1/123.

тасдиқлатиб олади. Имом Аҳмад унинг бу ишидан жуда ажабланади”.¹

23. Мана яна ажойибу ғаройиб бир хабар, бу воқеа Андалусдан (ҳозирги Испаниядан) Машрикқа (Шом, Ироқ ўлкаларига) илм олиш учун сафар қилган андалуслик бир олимнинг ҳаётида бўлиб ўтган. У Машрик диёри имомларидан биридан таълим олиш учун Андалусдан Машрикқа сафар қилади, бироқ етиб келганда ўша имомнинг одамларга дарс беришдан манъ қилинган маҳбус ҳолда топади. У хийла ишлатиб, йўлини қилиб у билан учрашиб, кишининг ҳаёлига ҳам келмайдиган бир тарзда ундан таълим олади. Ҳа мана шундай, тарих кишини лол қолдирадиган ажойиб вақеаларга тўладир. Ўша олим, имом Бақий ибн Махлад Андалусийдир.

Заҳабийнинг *“Сияру аълам ан-нубала”*сида², Улаймийнинг *“ал-Манҳажул Аҳмад фи тароҷими асҳабил имами Аҳмад”*ида³, Ибн Абу Яълонинг *“Ихтисор ан-набулусий литобақотил*

¹ Дамашқдаги “ал-Мактабатуз зоҳирийя” кутубхонасида имом Аҳмаддан ёзилиб олинган “Масоил”нинг қўлёзма нусхаси бор.

² 13/292.

³ 1/177.

ҳанобила”сида¹, имом Бақий ибн Махлад Андалусийнинг таржимаи ҳолида шундай келган: “У Абу Абудрраҳмон Бақий ибн Махлад Андалусий ал-Ҳофиз бўлиб, 201 ҳижрийда туғилиб, 276 йилда вафот этган, Оллоҳ уни раҳмат қилсин. У йигирма ёшларида Боғдодга яёв ҳолида сафар қилди. Бутун ўй-фикри, мақсади имом Аҳмад ибн Ҳанбал билан учрашиб, ундан таълим олиш эди. Ундан ҳикоя қилинишича, воқеа шундай бўлган экан: Боғдодга яқинлашганимда менга Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бошига тушган “миҳна” (бало-мусибат)нинг хабари келди, унга одамлар билан кўришиш ва уларга ҳадис айтиш тақиқланган экан. Бундан жуда хафа бўлдим. Нарсаларимни ижарага олганим меҳмонхонага қўйдим-да, ҳеч нарсага қарамай тўғри Жомеъул Кабир масжидига йўл олдим. Мен илм ҳалқаларида иштирок этишни ва у ердаги музокараларни эшитишни истардим.

Юксак савиядаги бир илм ҳалқасига йўлландим, унда бир киши “рижол” (ҳадис ровийлари) ҳақида гапирар, у ровийлардан баъзисини заиф ва баъзисини қовий-кучли дер эди. Ёнимдаги кишидан “бу ким?” деб сўрадим, “Яҳё ибн Маъин”,

¹ 79-бет.

деди у. Унинг ёнида очилиб қолган ўринни кўрган захотим, дарҳол ўша ерга суқилиб кирдим ва уни саволга тутдим:

“Эй Абу Закариё, Оллоҳ сизни раҳматига олсин, мен узоқ ўлкадан келган бир мусофирман, баъзи саволларим бор, илтифотингизни дариг тутмайсиз деган умиддаман”.

“Қулоғим сенда”, деди у. Шунда мен ундан ўзим учрашган ҳадис аҳлидан айримлари ҳақида сўрадим. У баъзиларини тавсия қилди ва баъзиларини эса танқид. Охириги саволим Ҳишом ибн Аммор ҳақида бўлди, чунки мен ундан анча мунча ҳадис олгандим.

Яҳё ибн Маъин деди: “Абул Валид Ҳишом ибн Аммор намоз аҳлидан, дамашқлик, сиқа-ишончли, ҳатто сиқанинг ҳам сиқасидир. Гарчи ридосининг тагида кибр бўлса ҳам ёки ўзига биров оро берса ҳам бу нарса унинг яхшилигию фазилати олдида арзимас нарсадир”. Шунда илм ҳалқасидагилар: Худо хайрингни берсин, етар энди, бошқаларнинг ҳам саволлари бор, деб шовқин кўтаришди.

Мен тик турган ҳолимда саволимда давом этдим: Сиздан бир киши — Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақида билишни истайман, дедим. Шунда Яҳё ибн Маъин менга маъноли боқди-да: “Бизга ўхшаганларга Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақида гапиришга йўл бўлсин, у мусулмонларнинг имоми, энг яхшиси ва фозил кишисидир”, деди.

Сўнгра илм мажлисидан чиқиб, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг уйини суриштирдим, одамлар менга кўсатиб юборишди. Бориб эшигини қоқдим. У чиқиб эшикни очди ва қаршисида нотаниш бир кишини кўргани он, мен: “Эй Абу Абдуллоҳ, ўзга юртдан келган мусофирман, бу шаҳарга илк бор келишим, ҳадис талабаси ва суннатни тўплаб юрган бириман, бу ерга фақат сизни (яъни, сиздан ҳадис ўрганаман) деб сафар қилиб келдим”, дедим. Бировларнинг кўзи сенга тушмасин, ичкарига кир, деди у. Кейин у менга деди:

- Қаерда ўтирасан?
- Узоқ Мағрибда.
- Африкадами?
- Ундан ҳам нарироқда — Андалусда, Африкага боришим учун денгиздан ўтишим керак.

- Ҳа, юртинг анчагина узоқ экан. Мен учун сенга ўхшаганларнинг талабни гўзал суратда қондиришдан кўра маҳбуброқ бирор нарса йўқ, лекин афсуслар бўлсинки, мен мана бу тутқинликдаман, балки эшитгандирсан ҳам?!
- Ҳа, эшитдим. Шаҳарга яқин қолганимда бу хабардан воқиф бўлгандим. Кейин сўзимда давом этдим: Эй Абу Абдуллоҳ, бу менинг ушбу шаҳарга илк келишим, одамлар ҳам мени танишмайди, агар сиз хўп десангиз, ҳар куни олдингизга тиланчининг уст-бошида келиб, остонангизда улар айтадиган сўзларни айтаман, сиз чиқасиз-да менга битта ҳадис айтасиз, менга ўша ҳам кифоя!
- Бўпти, фақат битта шартим бор, бирор бир илм ҳалқасида ҳам, ҳадис аҳлининг ҳузурида ҳам бу ҳақда оғиз очмайсан, деди имом Аҳмад.
- Келишдик, сиз айтганча бўлсин, дедим.

Шу-шу қўлимга ҳасса олиб, бошимга бир парча латта ташлаб, қоғоз, сиёҳдон ва қаламимни енгимнинг ичига яшириб, унинг эшигига келиб, “садақа қилинг, Оллоҳ сизга раҳм қилсин!” дея бақирардим, у ерларда тиланчилик шундақа қилинар

экан. У ҳам чиқиб, уй эшигини ёпар ва менга икки, уч ва ундан кўпроқ ҳадис айтарди. Шу тариқа уч юзтача ҳадис тўплاديم.

Уни “миҳна” тутқунлигига солган ҳоким ўлгунича шундай давом этдим. Сўнгра у ҳокимнинг ўрнига аҳли суннатдан бўлган бир ҳоким келди. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам илм майдонига чикди, донғи таралиб, одамлар орасида эътибор қозонди ва улуғ имом бўлиб танилди. Дунёнинг ҳар тарафидан толиби илм карвони унга томон оқиб келарди...

У менинг (илм олишдаги) сабримни ҳақиқий кадрларди. Агар унинг илм ҳалқасига борсам, мен учун жой очиб, ўзига яқин ўтирғизар ва ҳадис толибларига: “Толиби илм номи мана шу кишига лойиқ”, дерди ва менинг у билан бўлган кечмишимни айтиб берарди. У менга ҳадисни “мунавала” йўли билан ўргатарди, яъни дастлаб у менга ўқиб берарди, кейин мен унга.

Кунлардан бир кун бетоб бўлиб қолдим. У илм мажлисида мени кўрмагунча мени йўқлабди, унга менинг бетоблигимни айтишибди. Буни эшитган заҳоти атрофидаги ҳамроҳларини олиб, мени кўргани йўлга чиқибди. Мен эса ижарага олган уйимда

ётардим, тагимда кигиз, устимда кийимим, бош томонимда китобларим турарди.

Бирдан меҳмонхона жонлангани ва “ана у, худди ўзлари, қаранглар, мусулмонлар имоми келаяпти!” деган товушлар эшитилди. Шу он ёнимга шоша-пиша келган меҳмонхона соҳиби: “Эй Абу Абдуррахмон, қара Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал, мусулмонлар имоми сени кўргани келибди”, деди.

У кириб, бош томонимга ўтирди. Хона унинг ўқувчилари билан тўлди, бир қисми хонада, қолган қисми ҳовлида тик туриб қолишди. Қўлларида эса қоғоз қалам. Имом Аҳмад менга фақат сўзларни айтди: “Эй Абу Абдуррахмон, Оллоҳнинг сенга беражаги савобга хурсанд бўл! Ҳасталик хаёлга келмаган соғлом, соғлик хаёлга келмаган ҳастали кунларни бошингдан кечирдинг. Оллоҳ сенга офият берсин ва Ўзининг шифо берувчи қўли билан силасин!” Ўшанда қаламларнинг унинг сўзларини ёзаётганини кўрдим.

Сўнгра у кетди. Меҳмонхона ходимлари ёнимда гирдикапалак бўлиб, дин учун менга хизмат қила бошладилар. Бири кўрпа-тўшак келтирса, бошқаси ёпинчиқ ва лаззатли еяжаклар келтирган...

Улар мени, агар ўз оилам ёнида бўлсам, уларнинг парваришларидан ҳам яхшироқ парвариш қилдилар. Буларнинг бари солиҳ бир зотнинг мени зиёрат қилгани учун эди.

Бақий ибн Махлад 276 ҳижрийда Андалусда вафот этди. Оллоҳ у кишини раҳмат қилсин.

давоми бор...